

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Вилоят кенгаши сессияси

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар гуруҳлари вилоят бўлиmlлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари иштирок этди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмадхон Усмонов бошқарди.

КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида", "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорларнинг вилоятдаги ижроси, бундан ташқари, Олмалик, Охангарон шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида

аҳолига пластик карточкалар орқали пулли хизмат кўрсатишнинг мониторингини, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг шаҳар ва туманлардаги ижроси бўйича ҳисоботлар тингланиб, атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, сессия ишида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши айрим депутатларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОР ЭНДИ ХУРСАНД

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 12 июлдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори яқин келажақда вилоятимизнинг иқтисодий салоҳиятини республикада етакчи ўринларга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бунга жавобан вилоятимизда қарор-

да кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишга жадал киришилди. Шуниси қувонарлики, бу саъй-ҳаракатларнинг замирида аҳоли фаровонлигини оширишдек эзгу мақсад мужассам. Мазкур дастурда саноат нисбатан кам ривожланган туманлар қаторида Бекобод ҳам тилга олинган.

– Юртбошимизнинг ушбу қарори биз каби тадбиркорларни оёққа турғизди, деса янглишмаган бўламан, – деди Бекобод туманидаги "Алиботир Инвест савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ботирали Нурматов. – Қарорда фаолияти тўхтаб қолган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарини соғломлаштириш ёки фаолият турини ўзгартариш хисобига тўлиқ қувват билан ишлашни таъминлаш кўзда тутилганлиги жамиятимиз ишида катта бурилиш ясади.

Раҳбарнинг айтишича, масъулияти чекланган жамият 2007 йилда ташкил этилган. 6 йил давомида фақат савдо-сотик ишлари билан шугулланган. Бу йилга келиб эса, жамият фаолияти турини ўзгартаришга қарор қилинди. "Далварзин" фермер хўжалиги балансидаги фойдаланилмаётган ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди, модернизация қилинган сўнг, туппа-тузук цех фаолияти йўлга қўйилди. Технологик линияларни таъмирлаш, қўшимча қисмларни сотиб олиш учун 50 миллион сўм сарфланди. Бошида тадбиркор шунча маблағни ишлатишга биров чўчиди. "Сарфлаган пулим ҳавога учмасмикан, ҳаракатларим бесамар кетмасмикан", деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Лекин, ишнинг кўзини биладиган Ботирали Нурматов

ҳуқуқатимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашига ишониб, тўғри қўлганига тез орада амин бўлган.

– 6 ойлик таъмирлаш ишлари ақунлангач, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юбордик, – деди корхона раҳбари. – Бошида кунига 400 килограмм макарон, 300 килограмм печенье ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирга келиб, ҳар биридан 500 килограмдан ишлаб чиқаряпмиз.

Корхонанинг мижозлари асосан, ўзимизнинг вилоятдан. Сирдарё ва Андижон томонлардан ҳам бор. Харидорлар учун танлаш имконияти анча кенгайди. 8 турдаги макарон ва 5 хил печенье маҳсулотларини ҳоҳласа нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин.

Корхонанинг ўз хусусий дўкони бор. Технологик линиялардан чиққан, ҳали соvuшга улгурмаган маҳсулотларни шу ердан харид қилишингиз мумкин. Шу сабаб яқин-атрофда яшовчи аҳоли дўкonga серкатнон бўлиб қолди. Ҳозирда бу ерда 6 ишчи меҳнат қилапти.

– Фақат шу ишлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз, – дея фикрини давом эттирди Б. Нурматов. – Келгусида маҳсулотларимизни қадокланган ҳолда чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, шарбат цехини йўлга қўйиш мўлжалимиз бор.

Хуришда НАЗАРОВА.

СУРАТА: корхона раҳбари Ботирали Нурматов (ўртада) ишчилари Ислам Эшбоев ва Шерзод Раҳмонов билан маҳсулот сифатини назорат қилмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Вилоят ҳаёти

Паркент тумани

Мақтаб бозорига марҳамат!

Янги ўқув йилининг бошланғич санокли кунлар қолмоқда. Шу боис тумандаги 7 та умумтаълим мактабларида ташкил этилган мактаб бозорлари ўқувчи ва ота-оналар билан янада гавжумлашди.

10 августдан иш бошлаган савдо ярмаркаларида ўқув куроллари, методик қўлланмалар, кийим-кечак ва пойабзалдан тортиб ўқув жараёнида зарур бўладиган 27 турдаги товарларни арзон нархларда сотиб олиш мумкин.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Қибрай тумани

Корхона кенгайди

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида туманда бир қатор янги корхоналар, ижтимоий объектлар ва савдо дўконлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Туман марказидаги "Зиё-нон" хусусий корхонасида байрам арафасида лойиҳа қиймати 76 минг АҚШ доллари миқдоридagi қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди, йилига 88 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех барпо этилди, шунингдек, яна ўн нафар маҳаллий ёшлар доимий иш жойига эга бўлди.

Умида ИСАЕВА.

Юқори Чирчиқ тумани

Иш ҳаммага етади

Туманда мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда "Тошкент вилоятини обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик!" шiori остида ташкил этилаётган кўрик-танлов доирасида кўчалар, истироҳат боғи, байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган марказий майдон атрофи ободонлаштирилиб, кўркам қиёфага келтирилмоқда.

Кўп қаватли уйларнинг атрофига гуллар экиб, дарактларни оқлаш бошлаб юборилди. Шунингдек, 57 та қабристон тартибга келтирилди.

Тумандаги барча корхона ва ташкилотларнинг кираверишига давлат байроғи ва шiorлар осилмоқда. Хуррият МҲМИНОВА.

Кайфиятни кўтаринг

Туман ҳокимлигида маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари иштирокида маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида ташкил этилган учрашувда шoir ва санъаткорларнинг чиқишлари байрам олдидан каттаво чиқикнинг кайфиятини кўтарди. Янграган куй, қўшиқ ва шеърлар, саҳна кўринишлари учрашувга файз бағишлади.

Феруза ТўРАЕВА.

Умумхалқ хайрия ҳашари

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ГЎШАЛАРИ



Аввал хабар берганимиздек, 24-25 август кунлари вилоятимиз бўйлаб байрамолди ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Ҳашар кунлари вилоятнинг қай бир гўшасига бормайлик, кексаю еш, эркак аёлнинг баҳамжихатлиқда ғайрат билан меҳнат қилаётганининг устидан чиқдик. Барча туман ва шаҳарларда кўчалар, ариқлар, истироҳат боғларига хиёболлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

– Ҳашар уюштириш халқимизнинг гўзал одатларидан, – деди вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. – Икки кунлик ҳашарда 1 миллион 558

минг киши фаоллик ва ушқоқлик билан иштирок этди. Шу жумладан, 1 миллиондан зиёд еш йигит-қиз ғайрат кўрсатишди. Уларни вилоятимизни обод ва кўркам худудга айлантиришдек мақсад бирлаштириб турди.

Маълумотларга қараганда, 8076 гектар майдон ободонлаштирилиб, 9471 тонна маийш ва қурилиш чинкинди-лари махсус жойларга ташилди. Тозаланган 3791 километр узунликдаги ариқ ва лотоклардан яна зилот сувлар оқа бошлади. 746 та қабристон ва 27 та зиёратгоҳ кўриниши янгича қиёфа касб этди. 2 миллиондан зиёд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Дарвоқе, ҳашар кунлари 1538 та техника воситалари тиним билмади.

Хуришда СОЛИЕВА. Даврон АҲМАД олган сурат.

ЁШЛАР АЛОҲИДА ҒАЙРАТ КЎРСАТИШДИ

Умумхалқ ҳашарида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаоллари, сардорлар кенгаши аъзолари ташаббуси билан ёшлар иштирокида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

35 мингдан зиёд ёшлар 221,4 гектар майдон, 500 километрга яқин ариқ ва зовур, 140 та қабристон ва зиёратгоҳларни тозалаб, ободонлаштиришди. Шу билан бирга ёлғиз яшовчи қариялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-лар ҳолидан хабар олиниб, 380 минг сўм миқдорда мурувват ёрдами кўрсатилди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши ходимлари Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" уйингоҳи худудини ободонлаштиришда иштирок этди.

Ҳаракатнинг Зангиотта, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳар кенгашлари ҳашарда айниқса фаоллик кўрсатди.

Ўз муҳбиримиз.

Матбуот анжумани

Вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятдан жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари амалга ошираётган ишлар,

қабул қилаётган қарорлар, аввал-лабор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлаш масалаларига қаратилган матбуот конференцияси ўтказилди.

ИСТИҚБОЛ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИГА КИРИШИЛДИ

Анжуманда вилоят ҳокими ўринбосарлари Анвар Абдуқодиров ва Сайёра Файзиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июлдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ҳамда 2013 йил 6 августдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мазмун-моҳияти, вилоят истиқболлини белгилаб берадиган иқтисодий ижроси доирасида амалга оширилдиган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Вилоятда 2013-2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий прогнози параметрлари тасдиқланди. Жумладан, 2015 йилга бориб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 трлн. 825 млрд. сўмга етади ёки 2012 йилга нисбатан ўсиш суръати 124,3 фоиз бўлади.

Мазкур дастур доирасида 2013-2015 йилларда умумий қиймати 2,2 млрд. долларлик 301 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш хисобига 11 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Вилоятда фаолият юритмаётган ва паст рентабелли 36 та саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Рес-

публика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2013-2015 йилларда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг манзили курсаткичлари тасдиқланди. Дастур доирасида Республика ва маҳаллий бюджет, корхона, ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳомийлик, "Маҳалла" жамоат фонди, тадбиркорлик субъектлари, аҳоли маблағлари ҳамда банк кредитлари хисобидан қарийб 1 трлн. 561 млрд. 816 млн. сўм ўзлаштириш кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар хисобига кейинги 3 йил давомида хар бир шаҳар ва туманда 2 тадан марказий кўчаларда 2-3 қаватли савдо-хизмат кўрсатиш ва тураржой мажмуалари қурилади. Умумий қиймати 72 км. автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинади, 14 км. умумий қиймати 246 км. умумий қийматлари қишлоқ автомобил йўллари капитал таъмирланади. 135 та автобус сотиб олинади, 42 та янги йўналишлар очилади. 1360 км. ичимлик сув тармоқлари ва 13 та сув иншооти, 150 км. табиий газ тармоғи янгидан қурилади ва реконструкция қилинади. Исиклик таъминоти тизимини модернизация ва рекон-

рукция қилишга 28,4 млрд. сўм йўналтирилади.

3150 та намунавий уй-жой, жами 480 хонадонли 20 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади. 1058 та кўп қаватли тураржой биноси капитал таъмирланади, 3 та соғлиқни сақлаш объекти, 19 та болалар спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзалари, 5 та мусика ва санъат мактаби янгидан қурилади. 10 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино қуриб берилади. 34 таси реконструкция қилинади ва 48 таси капитал таъмирланади.

Йўл-транспорт инфратузилмаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзили дастури тасдиқланди, амалга оширилдиган ишлар учун 277 млрд. 813 млн. сўм сарфланади. Муҳандислик коммуникация инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурига мувофиқ жами 307 млрд. 845 млн. сўм ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари архитектуравий қиёфасини миллий аҳнавлар ва замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан яхшилаш манзили дастурини амалга ошириш учун жами 711 млрд. 874 млн. сўм йўналтирилади.

Матбуот конференциясида вилоят ҳокимлиги маъсул ходимлари оммавий ахборот воситалари ходимлари, аҳоли вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Иқтисодиёт

Анчадан бери уйда бекор ўтирган қўшним ишга кирганини айтиб, мендан суюнчи олди. Каергалигини сўрасам, Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги "Иззатилла-Принт" корхонасига жойлашибди. Янги корхона ҳақида мақола ёзиш фикри тугилди. Эрта тонгда қўшним айтган манзил сари йўлга тушдим. "Висол" тўйхонаси ёнидаги бу салобатли бинони кўриб, қўшма ёки хорижий корхона дейсиз. Қабулхонаю офисдаги қулайлик ва шароитлар ҳавасингизни келтиради. Компьютер, факс, телефон, нуска кўчириш ускунаси, совутиш ва иситиш тизими – барча-барчаси замонавий. Буларни кўриб, корхона тез фурсатда қаддини тиклаб олибди, деган уйга бордим.

«ИЗЗАТИЛЛА-ПРИНТ»НИНГ МАҲСУЛОТИ ЭКСПОРТБОЛ

– Корхонамиз 2005 йилдан бери фаолият юритади, – дейди корхона раҳбари Иззатилла Саломуллоев. – Илгари пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги бинода ижара тўлаб, ишлар эдик. Бу ерда иш бошлаганимизга 4 ой бўлди. Корхона биносини ўзимиз қуриб, шахсий мулкимизга эга бўлдик. Асосан, қурилишда ишлатиладиган қуруқ аралашмалар учун қоғоз қоплар ишлаб чиқарамиз. Қўшимчасига полиграфия хизматларини ҳам йўлга қўйганмиз.

Корхонада кунига 3-3.5 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот эгаларига жўнатилаётир.

Иш юритувчи Отабек Бурхонов берган маълумотга қараганда, бу ерда 20 ишчи меҳнат қилмоқда. 30 нафар ишчи сино муддатда экан. Ишчилар бепул махсус иш коржомалари ва тушлик овқат билан таъминланган. Янги ишлаётганларга қўшимча имтиёз сифатида ойлик йўл чипталари берилмоқда.

– Ишлаб чиқарётган қопларимиз экологик тоза, қадоқланиши чиройли, – дея суҳбатни давом эттирди корхона раҳбари. – Нам ва қуёшга чидамли. Ҳар қандай об-хаво шароитида ҳам сифатини йўқотмайди. Корхонамизнинг Интернет сайтида биз ҳақимизда керакли барча маълумотлар жойлаштириб берилди. Ҳамкорлик қилмоқчи бўлганлар бемалол www.mechki.uz сайтига кириб, фаолиятимиз билан танишишлари мумкин.

Корхонада янги янгилик бор экан. Яқинда Германиядан қадоқлаш ускунаси олиб келинди. Бунинг учун "Буюк Ипак Йўли" банки ажратадиган 1 миллиард сўмлик лизинг асқотадиган бўлди.

– Мен корхона очилганидан бери ишлайман, – дейди Наргиза Одинова. – Ҳар бир ишчи учун 200 та қоп кунлик режа қилиб белгиланган. Мен 400-500 тага етказиб бажаряман. Донасига 50 сумдан ҳақ тўлашапти. Маошларимизни ўз вақтида беришади. Шу ерда меҳнат қилиб, оиламга, рўзгоримга барака кирди. Бир-биримиз билан гурунг қилиб, қандай кеч бўлганини ҳам билмай қоламиз. Жамоамиз аҳил ва инोक.

Цехдаги қоғозга махсус плёнка ёпиштирувчи ускуна Хитойнинг "Ленд" корхонасидан келтирилган бўлса, Россиянинг "Диалог" фирмасидан сотиб олинган технологик линия крафт қоғозни кесиб, ярим тайёр маҳсулотга айлантириб беради.

Корхонанинг Интернет сайтига кўз югуртирамиз. Унда ёзилишича, бу ерда буюртмалар қисқа муддатларда, арзон ва юқори сифатда тайёрланиб, етказиб берилди. Қоғоз қоплар турдош бошқа корхоналар ишлаб чиқараётган металл бочка, ёғоч ва гофро кутилардан сифати бўйича анча юқори турар экан. Улар республикадаги 100 дан ортиқ корхоналардан ташқари, Қозғоғистон ва Туркманистонга ҳам экспорт қилинаётир.

– Ҳозир экспортни изчил йўлга қўйиб олишда бироз қийналяммиз, – деди корхона раҳбари. – Хориждаги мижозларимизга махсулотларни жўнатиш учун 10 га яқин ташилотдан рухсат олишимизга тўғри келмоқда. Бунга 3 кунча вақт кетиб, мижозларимиз буюртмаларини ўз вақтида олишмаяпти. Шу муаммо ҳал бўлса, фаолиятимиз янада ривожланади.

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Танлов

ЭНГ НАМУНАЛИЛАР МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА ЧИҚДИ

Касаба уюшмалари фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, бошланғич ташкилотларнинг вазифалари ва истиқболли режалар ижроси самарадорлигини ошириш, уларнинг ўзаро тажриба алмашишларини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари федерацияси ҳар йили "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловини ўтказмоқда.

Танловнинг бу йилги вилоят ҳудудий бошқичи якунига бағишлаб, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг масъул ходимлари, бошланғич ташкилот раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда кейинги йилларда касаба уюшмалари жамиятнинг муҳим қатлами сифатида турли ташкилот ва муассасаларга кириб бориб, ундаги аъзоларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгиланган мезонлар асосида таъминлаётгани, касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тугган ўрни ва роли йилдан-йилга ошиб, мустақамланиб бораётгани таъкидланди.

– Бунда "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг ҳам муно-



сиб ўрни бор, албатта, – деди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчиси Ж. Саидов. – Танлов иштирокчилари соҳага доир қўшимча билимлар олиш баробарида ўзаро тажриба алмашиш имкониятига ҳам

эга бўлишапти. Шунинг учун бу танловда қатнашгани хоҳловчилар йилдан-йилга ортиб борапти.

Танловнинг бу йилги вилоят бошқичида туман ва шаҳарларда юқори натижаларни қайд этган 15 та бошланғич ташкилот агро-саноат, таълим, фан ва ма-



даният, соғлиқни сақлаш, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишлари юзасидан маъруза қилди, фаолиятларини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этди.

Натижаларга кўра, Агроемол мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба уюшмаси кўми-

таси, Таълим, фан ва маданият бўйича Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, соғлиқни сақлаш йўналишида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, давлат муассасалари ва жамоат хизмати хабарисига Қўбрай туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари тизимида Зангиотадаги "Dentafill Plus" хусусий корхонаси

"Энг намунали бошланғич ташкилот" танловига биринчи ўринни қўлга кири-тиб, республика бошқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, тадбир доирасида "Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот" ва "Энг яхши тақдирот қилган бошланғич ташкилот" номинацияси бўйича ҳам голиблар аниқланди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази касаба уюшмаси кўмитаси "Энг яхши тақдирот қилган бошланғич ташкилот" деб топилди. "Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот" номинацияси бўйича ҳам голиблар аниқланди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази касаба уюшмаси кўмитасига насиб этди.

Голиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бекзод ХИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ТАБИАТНИ АСРАШ – ДОИМИЙ МАВЗУ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Билимлар ярмаркаси" бўлиб ўтди. Икки кун давом этган ярмарка БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, "Экосан" халқаро хайрия жамғармаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси ҳамда қатор илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Глобал экология фондининг Кичик грантлар дастури кўмағида жорий этилиб, намойиш қилинган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тақдиротлар ўтказилди.

Айниқса, ер унумдорлигини ошириш, сугорилган самарали технологияларини қўллаган ҳолда сув ва ерлардан оқилона фойдаланиш, мўқобил энергия ишлаб чиқариш минитехнологиялари, биохилма-хиллик ва табиий ресурслар каби мавзулар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Замонавий технологиялар ҳақида уларни ўз ҳужалигида сынаб кўрган ва жорий этган фермерлар, ННТ вакиллари ва олимлар ярмарка иштирокчиларига батафсил тушунча беришди.

БАЙРАМ БАҲОНА ДИЙДОРЛАШИШДИ

Вилоят ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида байрам тадбири ўтказилди.

"Кадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзусидаги мазкур тадбирга вилоятнинг меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз кексалар тақриф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид хайрли ишлар хусусида сўз юритишди. Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди. Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди. Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди.

– Бу каби тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг кўнглини кўтариш, улар ҳам жамиятда ўз

ўрниларига эга эканлигини аниқлаш мақсадида ўтказилди, – деди "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси раҳбари Баҳром Холдоров. – Бугунги тадбирда уларнинг 3 нафарига ногиронлик аравачаси ва бошқа керакли анжомларни тарқатдик. Имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди.

Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди. Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди. Таълим ва ёлғиз қарияларнинг ҳимоясида сўз юритишди.

– Бу каби тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг кўнглини кўтариш, улар ҳам жамиятда ўз



ТАБРИК

ФИДОЙИ УСТОЗ ҲАР ЖОЙДА КЕРАК

Таълим тизимининг ривожини бўйича Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакатини ўртасида иккинчи ўринда. Бу ҳақда Чирчиқ шаҳар халқ таълими ходимларининг 2013-2014-ўқув йили олдидан ўтказилган анъанавий август кенгашида айтиб ўтилди.

"Кимёгарлар" маданият саройида ўтган анжуманда умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ва касб маданиятини юқори сифат даражасига кўтариш мавзусига асосий урғу берилди.

– Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хориз тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизими жорий этилмоқдаки, – деди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Тамара Йўлдошева, – бу ўртача билим даражаси билан қаноатланмасликни талаб этади. Янги, замонавий таълимнинг мақсади "бутун умрга астадан билим" бериш эмас, балки, "умр бўйи билим олиш" га айланган.

Ҳозир Чирчиқ шаҳрида 25 та мактаб, 28 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та спорт, 3 та мусиқа ва санъат мактаби, 1 та вилоят ту-



ризм ва спорт мактаби бор. Уларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда илгор педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Шунинг самараси ўларок, чирчиқлик мураббий ва ёшлар турли фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари, ҳатто халқаро кўрик-танловларда фахри ўринларини эгаллашмоқда. Чунинчи, шу йилнинг апрелида Боку шаҳрида ўтказилган "Койнот" халқаро кўрик-танловида 7-мусиқа

ва санъат мактаби ўқувчиси Комила Урматова скрипка йўналишини бўйича 2-ўринни қўлга киритди. Парижда ўтган халқаро пианиночилар баҳсида чирчиқлик Темур Мираҳмедов, Италиянинг Филадельфия шаҳрида аккардион йўналишидаги танловда Айгерим Қаймова ҳам биринчи ўринни қўлга киритди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– Педагоглар учун фақат истеъдод ва билимнинг ўзи етарли эмас, – дея фикрини давом эттирди Тамара Йўлдошева. – Улар ўқувчилар кўнглига ёқишни ҳам билишлари керак. Кўпчиликдан "Нима учун айнан шу фанга қизиқасиз?" деб сўралганда, "Устозимни яхши кўрардим" ёки "Дарс жуда қизиқарли ўтарди" деган жавобларни оламиз. Демак, ўқитувчи ўз фани бўйича нафақат билими, балки педагогик маҳоратини ҳам намоён қила оладиган бўлиши керак.

Хилола НАЗАРОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси Ўзбекистон аҳлини аждодларимиз орзу қилган улуг кун Мустақиллик айёми билан самимий табриклайди! Ватанимиз эришаётган улкан ютуқларда фидойи ходимларимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Халқ фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилаётган жамоамиз юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, ният-мақсадларимиз улуг ва хайрли бўлишини тилайди.

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акционерлик компанияси

Тошкент-Телеком филиали жамоаси

вилоятимиз аҳолисини энг азиз байрам —

Мустақиллик куни

билан муборакбод этади.

Эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

бунёдкор халқимизни шуқухли сана —

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги

билан табриклайди. Истиқлол йиллари юртимиз ҳудуди, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз улкан қурилиш ва янгилашни майдонига айланди. Қад ростлаган ва тикланаётган кўркам бино ҳамда муҳташам иншоотлар, давлатимиз қудрати ва салоҳиятидан сўзлаб турибди.

Азизлар! Эришаётган ютуқларимиз, муваффақиятларимиз бунданда юксалаверсин! Бунёдкорлик, яратувчанлик ишларингизда омад ёр бўлаверсин!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.
Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй.
Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-27-29.
Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сакловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Ҳужусий-лашқилиши белгиланган ҳужжат қарори
1	"Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Янги-обод-2 кўрғони, Охун-бобоев кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг "Электроника" институти, 100125, Тошкент шаҳри, Дурмон йўли кўчаси, 33	Ер майдони 0,34 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м.	115 984 800 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	Оси "Шийпон" бинноси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ ҳудуди	Пискент тумани ҳокимлиги, 111400, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси	Ер майдони 0,20 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м.	25 069 500 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
3	Собиқ 10-сонли умум ўрта таълим мактаб бинноси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси	Ер майдони 0,42 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м.	78 006 600 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
4	Собиқ 3-сонли умум ўрта таълим мактаб бинноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 45-даҳа ҳудуди	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри	Ер майдони 0,32 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 1356,67 кв.м.	92 054 700 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
5	18-уйнинг ярим ертўла бинноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 45-даҳа ҳудуди	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри	Бинонинг қурилиш ости майдони 322,14 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 257,69 кв.м.	79 490 000 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
6	Алоқа участкаси бинноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Красногорск кўрғони	НКМК Жанубий қон бошқармаси, 141100, Тошкент вилояти, Нуробод шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27	Ер майдони 0,38 гектар, биналарнинг қурилиш ости майдони 420,62 кв.м.	316 953 000 сўм	-	ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. *Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиши.*
2. *Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириши.*
3. *Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиши.*

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 7 октябрь куни соат 18.00 гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шаҳсан ўзи ёки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртманомани

икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган шпончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган шпончнома;
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активы бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорда зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;
- куйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган кон-

вертларга солинган талабгор таклифлари.

- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар! Савдога қатнашиш учун ҳужжатларни тоштириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниши ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўраллади.

"TURKISTON INTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБнинг 2013 йил 1 апрелдаги ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, "Савдо" МЧЖда сакланаётган, бош баҳоси - 9 975 000 сўмга арзонлаштирилиб, 1999 йилда и.ч., техник носоз, д/р 01 У 945 СА, "Газ 3110" русумли автотранспорт воситаси тақдоран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда 2013 йил 12 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Сотилмаган тақдирда тақдорий аукцион савдоси

2013 йил 27 сентябрда ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманом (ариза)лар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилиши-

дан бир кун олдин тўхтатилади.

Мақур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37.

Гувоҳнома № 005424.

СП ООО «NATIONAL PLAST»

приобретает переработанные отходы из ПВХ.

Обращаться по телефону: (+99871) 221-41-26.

"FROL SYSTEMS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 27.06.2013 йил гувоҳнома рақами № 006822 билан рўйхатга олинган "ADAMAS EXCLUSIVE" МЧЖга тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бир дон бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "LUXE PLANET TRAVEL" (ИНН 301979078), зарегирированное ИРСП Яккасарайского района за реестр № 005989-11 от 4 мая 2011 года на основании протокола от 27.08.2013 года объявляет об уменьшении уставного фонда с 38 986 300 сум до 7 000 000 сум.

Претензии принимаются по телефону: 391-98-46.

"ЕКО-БИО-ТЕСТ" нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную лицензию на право работы Oge Селатанню выданную на ООО "PREMIUM BAGS" от агентство по вопросам миграции, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 25.01.2011 йилда гувоҳнома рақами № 0512194 билан рўйхатга олинган (ИНН 498037928) якка тартибдаги тadbиркор Музапарова Умия Туйчиевнага тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда Хамакулова Зилола Тахировна номига берилган К № 1426346 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "INGREDIENT SERVIS" (ИНН 302339484), зарегирированное хокимиятом Учтепинского района г. Ташкента объявляет об уменьшении уставного фонда с 253 242 500 сум до 3 700 000 сум.

ООО "ENERGOMASHTRANS IMPEX" (ИНН 300620620), зарегирированное ИРСП хокимията Сергелийского района за реестр. № 001480-06 от 15.11.2007 г., адрес: Сергели-3, Ярмарка "Дехкон бозори", **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя от 27.08.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 535-10-95.

ООО "LIGHT ENERGY SAVING TECHNOLOGY" (ИНН 302092074), зарегирированное ИРСП при хокимияте Сергелийского района г. Ташкента за реестр. № 003527-06 от 20 июля 2012 года, расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Олтин Водий, тупик-2, дом-61, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол общего собрания участников № 1 от 27.08.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "QUVONCH OMAD SAVDO" (ИНН 302636979), зарегирированное ИРСП Сергелийского района за реестр. № 003904-06 от 13 июня 2013 года, расположенное по адресу: ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес общества: ул. Янги Сергели, д. 2, здание ЧФ "BILLUR OLMOS", **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя от 27.08.2013 года).

Претензии принимаются в течение двух месяцев по тел.: 134-10-30.

ЧФ "AYON BIZNES" (ИНН 203941032), зарегирированное ИРСП Сергелийского района (ул. Сагдиана-1) г. Ташкента за реестр. № 06-000139 от 15 марта 2002 года, расположенное по адресу: ул. Олчазор, д. 141, кв. 2, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 12.07.2013 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по почтовому адресу.

Спорт | Спорт

Халқаро турнир

ОЛТИН МЕДАЛЛАР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТИ

Пискент туманидаги Ёшлар бониди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан халқаро турнир ўтказилди.



– "Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида ташкил этилган турнир мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланди...

Купилганидек, Пискентда учинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақа қизқарган ва мурасасиз бахсларга бой бўлди. Унда полковлар 8 вазнда гилгама тушишди. Нуриддин Махаматов, Мурзахид Абдуқодиров, Достон Сууюнов, Пулат Ҳакимов, Исхандар Махаматов каби вилоятимиз вакиллари олтин медаллар насиб этди.

Бу – қизиқ

ФАҚАТ МОЖАРО КЕЛТИРМАЙДИ

Айримларга яқин кишининг рашк қилиши, ҳатто хуш ёқади. Рашк инсонни не кўйларга солишию, уни тубдан ўзгартира олиш кучига эгаллигига тарихда мисоллар кўп. Шотландиянинг Стирлинг университети мутахассислари бунини яна бир бор исботлаб бердилар.

– Қизганиш фақат оилавий можаролар келтириб чиқармайди, – дейишмоқда мутахассислар. – Аксинча, рашк утида ёнган инсон ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб, очилмаган қирраларини намоеён этиши учун туртки бўлиши ҳам мумкин.

Рассом хандаси



– Кўрдингми, қанча кеч келсак, ташхис шунча аниқ бўлади!

cartoon.kulichki.com

Бадий гимнастика

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

"Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлади". Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз билдирган бу фикр ширга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг ёшлар сиёсати масаласидаги устувор вазифага айланди.

2009 йилда Урта Чирчик туманидаги 24-умумтаълим мактабидан иш бошлаган бадий гимнастика тўғаридаги қишлоқ қизларини спортга жалб этишда илк қадам бўлди.

Бадий гимнастикага дастлаб бироз тортинчоқлик билан қараган қизлар бу спорт тури саломатликни мустаҳкамлаш, қаддиқоматни ростлаш, шунингдек, нафис мусиқа қалб ва шуурни бойитишининг бетакор аҳамиятини англаб, унга меҳр қўя бошладилар.

Бадий гимнастикага дастлаб бироз тортинчоқлик билан қараган қизлар бу спорт тури саломатликни мустаҳкамлаш, қаддиқоматни ростлаш, шунингдек, нафис мусиқа қалб ва шуурни бойитишининг бетакор аҳамиятини англаб, унга меҳр қўя бошладилар.

Таэкван-до

КОРЕЯЛИКЛАРДАН САБОҚ ОЛИШДИ

Республика таэкван-до WTF ассоциацияси ва Корейлик Данкок университети ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига кўра мамлакатимизга 3 нафар таэкван-до устаси ташриф буюрди.

"TRC – таэкван-до жаҳон корпуси" лойиҳасига кўра, хорижлик мутахассислар турли мамлакатларда таэкван-до спорт турини оммалаштириш, мураббийлар билан тажриба ва малака алмашиш учун юборилган.

Корейлик меҳмонлар



даражали диплом билан тақдирланди.

Эндигина 10-12 ёшга қаршилса ҳам, спортнинг мураккаб ва нафис тури бўйича анча-мунча тажриба орттиришга улгурган қиза-

лоқларнинг қай бири билан сўбатлашманг, улар юртимизнинг Жамила Раҳматова, Азиза Мамажонова, Уляяна Трофимова сингари машҳур гимнастикчилари каби Ўзбекистон ва Осиё

чемпиони бўлиш, Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, Ватанимизни жаҳонга танитиш орасида эканлигини билдирадилар.

Мазмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

Ёшлар спартакиадаси

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, ёшлар спартакиадаси мусобақалари ташкил этилди.

Ўйингоҳда – ишчи-хизматчилар

Спартакиада Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида ташкил этилиб, жамоалар спортнинг бешта – волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат ва енгил атлетика турлари бўйича голиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақанинг яқиний натижаларига кўра, "Оҳангарондон" ва "Оҳангаронцемент" очик акциядорлик жамиятлари, "Магнит" компанияси, 2-БЎСМ, Мурувват уйи, туман тиббиёт бирлашмаси, "Оҳангарон-шарф" жамоалари энг кўп совринли ўринларни эгаллашди.

Ушбу муҳбиримиз.

Кўрик-танлов

ВАКИЛИМИЗ МУТЛАҚ ГОЛИБ

Ўзбекистон ногиронлар жамияти ташаббуси билан ҳар йили тегишли вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида иқтидорли ногирон болалар ўртасида аънавий "Мафтуркор ранглар олами" шiori остида мутлақ голиблик учун бадий-ижодий кўрик-танлов ўтказилади.

– Қибрай тумани Хўжақўрғон қишлоғилик Рўзимат Раҳимжон таловнинг вилоят босқичида тенгдошларига нисбатан анча иқтидорли эканини намойиш қилиб, голибликни қўлга киритган эди, – деди Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими раиси ўринбосари Солиққон Усмонов. – Вакилимиз республика босқичида ҳам вилоятлик шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кўрик-танловнинг мутлақ голиби бўлди.

Танлов ақунига мурофиқ, Навоий вилояти ва Қорақал-



понистон Республикаси вакиллари иккинчи ва учинчи совринли ўринларни эгаллашди. Совриндорларга тегишли диплом ва ҳомиёлларнинг эсдалик совғалари – энг замонавий телевизорлар тақдим этилди.

Ушбу муҳбиримиз.

Жиноятга жазо муқаррар

Яқинда интернет тармоғини кузатаётганимизда, гиёҳванд моддаларга ружу қўйишнинг оқибатлари ҳақидаги саҳифа эътиборимизни тортди. Сурат ва далиллар билан илова қилинган мақолада айтилишича, гиёҳвандлар охири-оқибат эрта ўлим билан юзлашади.

Ҳабибахон Тожибоева 1951 йилда туғилган, 5 фарзанди бор. Илгари судланмаган. Ушбу маълумотларни ўқиган киши бу аёл ҳақида умуман бошқа тасаввурга бориши тайин. Шунча боланинг онаси, яна ёши ҳам олтимишдан ошган аёлни гиёҳванд моддалар савдосига ара-лашади, деб ҳеч ким ўйламайди.

Ўгли Ақром Тожибоевни эса бу ёғига гўр тўғрилса ажаб эмас. Чунки, ёши қирққа қўнлашган эркакнинг ўз йўлини тополмай, ҳамон тентираниши яна қандай баҳолаш мумкин? У шу кунгача бир неча марта судланиб, қамоқ жазоларини ўтаб чиқди.

ин" гиёҳванд моддаси савдоси билан шугулланганда. Яъни, улар тожикистонлик Санам ва Матлуба-лар контрабанда йўли билан олиб қирган гиёҳванд моддаларнинг ҳар граммини 35 минг сўмдан сотиб олиб, уни Темурга 50 минг сўмдан пуллашган. Ҳабиба Тожибоевнинг

БУКРИНИ ГҲР ТҲҒРИЛАЙДИ

ди. Панжара ортидаги ҳаёти ҳам унинг ақлини жойига келтирмади. Аксинча, гиёҳвандлик бандисига айналди. У суддаги кўрсатмасида игна орқали томирига гиёҳванд модда қабул қилишини очик тан олди.



ТРАМИ ТҲҒОНИ ХУРУЖИ

Хитойнинг жанубидаги Гуанси-Чжуан мухтор туманида хуруж қилган тўфондан камиди 200 минг киши жабр кўрди, икки киши ҳалок бўлди дег ҳабар таркатди Синхуа агентлиги.

Тўфон яқинлашаётганидан хабар топган маҳаллий маъмурлар 4,4 мингдан зиёд кишини кўчиришга муваффақ бўлган эди. Табиий офат оқибатида 6 минг гектардан зиёд қишлоқ ҳужалик экинлари сув остида қолди.

"Трами" деб ном берилган тўфон аввалроқ мамлакатнинг Фуцзянь ва Чжэцзян вилоятларида хуружга ми-нган эди. Маҳаллий ҳукумат 350 мингдан зиёд кишини хавфсиз жойга кўчиришга улгурганига қарамай, 1,4 миллион киши табиий офатдан жиддий зарар кўрди.

МУҲОЖИРЛАРНИНГ ОМАДИ ЮРИШМАЯПТИ

Мексиканинг жануби-шарқидати Табаско штатида юз берган темир йўл ҳалокатида камиди 5 киши ҳаётдан кўз юмди ва 20 дан зиёд киши оғир жароҳатланди.

Вагонларнинг томида Марказий Америка мамлакатлари фуқароларидан иборат 300 дан зиёд яширин муҳо-жирлар бораётган товар поезди мураккаб участкалардан бирида темир йездан чиқиб кетди. Ҳалокатга учраганларнинг кўпи Гондурас фуқаролари эди. Улар яқин ат-рофдаги шиғоҳоналарга келтирилди. Шикастланганлар-нинг кўпчилиги оғир аҳволда. Воқеа жойида олиб бори-лаётган қидирув ишлари охирига етгани йўқ, ҳали. Шу-нинг учун маъмурлар ҳалок бўлганлар сони ортиши му-кинлигини тахмин қилмоқдалар.

Мексика бош прокуратураси воқеа тафсилотларини ўрганишга киришди. Ҳозирча ҳалокат сабаблари хусу-сида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Мексикалик яширин муҳожирлар товар поездлари вагонлари томидаги қишлоқ, Америкага дурустроқ яшаш имкониятини излаб келишади. Илгари ҳам улар кўп бор шундай фужали ҳалокатларга дуч келишган. Мамлакат ҳукумати бундай муҳожирликнинг олдини олишга ҳаракат қилаётганига қарамай, у ҳамон давом этмоқда.

БИР КИЛОМЕТР ЕР ҚАҲРИДА ЁНГИН

Швейцария Люкселе вилоятидаги Кристинберг шахтасида юз берган ёнгин пайтида қутқарувчилар 22 нафар шахтёрнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш олиб бордилар.

Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, бир кило-метр ер қаҳрида юз берган ёнгин туфайли "қамалиб" қолган шахтёрлардан ҳеч ким шикастланмади, аммо улар кучли қўрқув оқибатида руҳий нотинч ҳолатда.

Утган асрининг 40-йиллида ишга тушган ушбу шахтада рух, мис, кўроғшин, олтин ва қумуш қазиб чиқарилади. Шахтанинг чуқурлиги 1300 метр. Бу ерда 240 киши меҳнат қилади.

ИККИ ЕВРОГА САЛКАМ ЮЗ МИЛЛИОН...

Швейцария фуқароси Европанинг оммавий EuroMillions лотерея ўйинида 93,6 миллион евро ютиб олди. Бу мамлакат учун рекорд даражадаги ютукдир.

Битта лотерея билети 2 евро туради. Ушбу лотерея ўйинида Европа Иттифоқининг ўнлаб мамлакатларидан 200 миллионга яқин киши иштирок этади. Унинг биринчи тиражи 2004 йил 13 февралда Франция, Испания ва Буюк Британияда ўтказилган эди. Уша йилнинг октяб-рига келиб Люксембург, Бельгия, Швейцария, Португа-лия, Ирландия ва Австрия мамлакатлари фуқаролари ҳам ўйинга қўшилгани эслатиб ўтади РИА- "Новости" агент-лиги. 2011 йилда яна бир швейцариялик фуқаро худди шу ўйинда 58 миллион евро ютиб олган эди.

ЁЛЛАНА ҚОТИЛ АГЕНТ ЭКАН

АҚШнинг Теннесси штатидан сенатор лавозими-га экс-номзод Томас Кен Оуэнс ўз амакиси – ма-ҳаллий черков пасторини ўлдиришга ҳаракат қил-гани сабабли қамоққа олинди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари-нинг CNN агентлигига берган маълумотларига кўра, бир неча кун аввал Оуэнс бир номаълум киши билан учрашиб, қотилликни содир этиши учун бўнақ сифатида 500 дол-лар шунингдек, амакиси Эрнест Уидбиннинг фотосурати ва яшаш манзилини ҳам берган.

Охири-оқибатда қотил тегишли ташкилотнинг яширинча иш олиб борган агенти бўлиб чиқди. Уша учрашувдан сўнг 38 ёшли Оуэнс қўлга олинди. ИТАР-ТАССнинг эслатишича, у 2012 йилда сенаторлик лавозимини учун курашда қатнашиб, муваффақиятсизликка учраган.

Оуэнснинг нима учун ўз амакисини ўлдиришга бююрт-ма бергани ошкор қилинмаяпти.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ e-mail: th.tp@mail.ru

Мавзелимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХҲҲАЕВ